O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI ANDIJON TUMAN HOKIMINING QARORI

Kuyganyor shaharchasi, tel, (faks) 74-225-00-97

2022 - yil 4 - oktabr 379-1-16-Q/22 Andijon tuman hokimligi

Андижон туманида дам олиш кунларида ярмаркаларни ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш Қоидаларига мувофиқ, туманда ҳудудида дам олиш кунлари ярмаркаларини ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Андижон туманидаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ярмаркалар ўтказиш бўйича берган тақдимномаларини инобатга олиб, “Куйганёр деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ ҳудудида ҳар шанба ва якшанба кунлари соат 07-00 дан 17-00 гача ярмаркалар ташкил этилиши белгилансин.

2. Ярмаркаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилиши;

ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилиши;

ярмаркалар учун ажратилган савдо ўринларининг тоза ва тартибли сақланишига сотувчилар масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ярмаркаларда маҳсулотларни сотиш қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин:

товарга оид ҳужжатлар (тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги ҳужжат (маълумотнома));

сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар.

4. “Куйганёр деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ маъмурияти:

ярмаркалар ташкил этиш учун бозорнинг аҳоли учун қулай бўлган қисмидан, бозорнинг умумий савдо майдонининг 5 фоизидан кам бўлмаган махсус жойлар ажратилишини;

ярмаркалар учун ажратилган ҳудуддан савдо ўринларининг бепул берилишини;

ярмаркалар ўтказилишини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишни таъминласин ва бозорнинг кириш жойларига эълонлар жойлаштиришни ташкил этилишини инобатга олсин.

5. Андижон туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Махсудов) ҳар якшанба кунлари ярмаркалар ташкил этиш учун жой ажратилганлигини, ўтказилаётганлигини ҳамда ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини ҳамда ярмаркаларда товарга оид ҳужжатлар мавжудлигини доимий назорат қилсин.

6. Андижон туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими (Д.Хўжамназарова) ярмаркаларда сотилаётган маҳсулотларнинг турларига қараб жойлаштириш ва улар сифатининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига тўғри келишини доимий назоратга олсин.

7. Андижон туман Ички ишлар бўлими (Д.Ихволдинов) бозор ҳудудида ярмаркалар ўтказиладиган кунда жамоат тартибини сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор “Андижон тонги” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хошимов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.в.б **А. Хашимов**